

ТИҚХММИ Бухоро филиалида «Ресурс тежамкор қишлоқ ва сув хўжалик техникаларини яратиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтмоқда

«Ресурс тежамкор қишлоқ ва сув хўжалик техникаларини яратиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани ўз ишини бошлади. Ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжуманининг очилиши 2021 йил 3-июнида филиал илмий кенгашлар залида бошланди.



Анжуманни очилишида Бухоро вилоят ҳоким ўринбосари М.М. Хамроев, ТИҚХММИ ректори проф., У.П.Умурзаков, Вилоятлараро Аму-Бухоро машина каналидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Р.М.Остонов, ТИҚХММИ Бухоро филиали директори, т.ф.д., Ш.Ж.Имомов, институт профессор-ўқитувчилари, докторантлар, магистрантлар ва иқтидорли талабалар иштирок этди.



Анжуман ўз иш фаолиятини 8 та шўба бўйича дастурда белгиланган жойларда 3-4 июнь кунлари давом эттиради. Анжуманни ёпилиши тадбири 4 июнь куни соат 14:00 да Илмий кенгашлар залида ўтказилиши белгиланган.

**ТИҚХММИ Бухоро филиали Матбуот хизмати
ТИҚХММИ матбуот хизмати**